УзССР Давлат китоб палатаси
Ко
Рес. ахборот палата УзССР
F-20697

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 14 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 36 (6932)

Da'vat

Тийрак ақлинг бўла туриб фаросатинг бўлмаса — бу айтарли устунлик эмас: соатнинг қиммати ҳам тез юришида эмас, тўғри юришида.

Л. Вовенарг.

Ibrat

Яқинда Каттақўрғон шаҳридаги 1-урта мактаб ўқувчилари Республика Халқ таълими вазирлигидан ажойиб совға олишди. Вазирликнинг ўқув-ишлаб чиқариш, компьютерлаштириш ва бозор тизимларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи С. Алиев вазирликнинг совғаси—компьютер синфхонани зиё маскани жамоасига топширди.

«ДАВР ЎРТАГА ҚЎЙГАН МУҲИМ ТАЛАБ»

бу масала Сурхондарёда яна бир бор кўтарилди

Ёдингизда бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида юртбошимиз 9-синфни битириб, ўқишсиз, касбсиз қолаётган ёшларимиз ҳақида куйиниб гапирганди. Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ҳам бу масалага қайта тўхталиб, жумладан шундай деган эди:

«Ёшлар тарбияси, таълим олиши, иш билан таъминланиши ҳақида гап борар экан, менинг фикримча, биринчи навбатда халқ таълими тизимини бутунлай қайтадан ислоҳ қилиш, аҳолисининг қарийб ярми болалар ва ўсмирлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлаш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган минг-минг ўсмирлар иш тополмай, ишга жойлашолмай овора бўлиб юришибди».

Барчани бирдай сергакликка, мулоҳаза юритишга ундайдиган, бугунги таълим тизимининг йирик муаммоларидан бири бўлган ушбу масала Сурхондарё вилоятида яна бир бор кўтарилди. Республика Президенти Ислом Каримов 10 май куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюриб, бу ерда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишар экан, бу масалани «давр ўртага қўйган муҳим талаб» сифатида тилга олиб ўтди.

«Энг муҳими, — деди Президент, — бизга Аллоҳ иньом этган унумдор замин, саховатли қуёш, қолаверса, меҳнаткаш халқимиз бор. Кўзлаган мақсадларимизга эришиш учун эса изланиш, тадбиркорлик, ҳамжиҳатлик керак. Қаердаки тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик, халққа ғамхўрлик бўлмаса, бирон натижага эришиш амри маҳол. Бунга ён - атрофимизда мисоллар кўп. Шунингдек, мустақил давлатимизда ёш авлодни тарбиялаш, уларга замонавий таълим бериш, таълимни ислоҳ қилиш давр ўртага қўйган муҳим талабдир. Ватанимизнинг келажаги бўлган бугунги ёшлар миллий, умуминсоний қадриятлар, шарқона одоб-ахлоқ руҳида тарбияланмоғи зарур. Бу борада тўққиз йиллик мажбурий, кейинчалик яна уч йиллик мажбурий-ихтиёрий таълимни жорий этиш, шу йўсинда ёшларни касб-ҳунарга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлаш лозим».

Президентимиз томонидан қайта-қайта таъкидланаётган таълим тизимига оид ушбу долзарб фикрлар ҳеч кимни, айниқса, маорифчиларимизни бефарқ қолдирмаслиги ва улар зиммасига улкан масъулият юклаши, шубҳасиз.

Юртбошимиз Сурхондарё вилоятига қилган сафари чоғида бу ерда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Чегарачи аскарлар ва божхона ходимлари ҳузурида бўлиб, уларнинг жанговар тайёргарлиги, яшаш шароити билан қизиқди.

Ислом Каримовнинг Сурхондарё вилоятига сафари чоғида унга бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев ҳамроҳлик қилди.

«ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ, ОИЛА ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Замон бизнинг зиммамизга янги, демократик жамият қуриш билан бирга мустабид тузум қолдирган оғир асоратлардан халос бўлган, юксак маърифатли, улкан салоҳиятли авлодни тарбиялашдек муқаддас вазифани юклади.

Бугунги анжуманда фарзандларимиз тарбияси ва таълими, бинобарин, миллат ва Ватан келажаги, тақдири хусусида сўз боради.

Баркамол инсонни вояга етказиш учун энг аввало оила, маҳалла, мактаб, буткул жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим. Оила — жамият асоси, маҳалла—миллий қадриятлар бешиги. Аҳил хонадонда, маърифатли маҳаллада, инсонпарвар жамиятда зукко йигитлар, оқила қизлар, умр бўйи элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган комил фарзандлар улғаяди.

Халқимиз фарзандлари ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг томирида, инсоният тафаккури камолига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек Мирзо, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк боболаримизнинг қони жўш урмоқда. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш, эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтириш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Қадрли анжуман қатнашчилари!

Сизларга ва сизлар орқали барча ватандошларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, давлат, жамият ва отаонанинг бурчи фарзандларни соғлом ўстириш, вояга етказиш, умумий билим бериш билангина чекланмайди, *Уларга энг замонавий касб-ҳунар ўргатиш ва энг муҳими, уларнинг ҳаёт синовларига мардона бардош бериб, турмуш гирдобларини шижоат билан енгиб ўтиб, келажакда ўзларига муносиб ўрин топишлари учун имконият яратмоғимиз даркор.* Мана, шу ўта мураккаб ва долзарб масала бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи мезонидир.

Бозор муносабатларига ўтиш даврининг барча қийинчиликларини рўйрост кўриб турибмиз. Биз учун инсонларни бир-биридан ажратадиган, ижтимоий тафовутларни кучайтирадиган бозор муносабатлари эмас, аксинча, меҳру оқибатга рағбат берувчи маърифатли бозор муносабатлари мақбулдир. Шахс маънавияти, жамият маънавияти масалаларини энг долзарб иқтисодий муаммолар билан баробар ва балки улардан ҳам устун қўяётганимизнинг боиси ҳам шунда. Ўзбекистон танлаган йўлнинг ўзига хос ва ўзига мос жиҳатларидан бири ҳам худди шунда мужассамдир.

Ишончим комилки, анжуман бугун замон ўртага ташлаётган муаммоларга амалий жавоб беради. Ёш авлод тарбиясига дахлдор ташкилотлар фаолиятига янги мазмун, куч ва ғайрат бағишлайди.

Анжуманингиз ишига муваффақият тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

JUMLADA JAHON

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Фотиҳ Ғуломович Тешабоев Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиянинг Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Азимжон Исмоилович Муҳитдинов Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари этиб тайинланди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё билан алоқалари бюроси ташаббуси билан Тошкент давлат юридик институтида инсон ҳуқуқлари бўйича доимий курс очилиб, ўз фаолиятини бошлади.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Швейцария Конфедерацияси федерал маслаҳатчиси ҳамда молия вазири Каспар Виллигер раҳбарлигидаги делегация аъзолари Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов билан учрашди.

Исроил ҳукумати Фаластин билан якуний шартномани имзолагандан кейин ҳам Иордания дарёсининг Ғарбий соҳилидаги ерларнинг тенг ярми устидан назоратни сақлаб қолишни мўлжалламоқда.

Ироқ билан Туркия келишувига биноан ётқизилаётган бир минг уч юз километрдан иборат Ирокдан газ етказиб берувчи қувур ётқизилиши эвазига Туркия Ироққа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Рим папаси Ливан пойтахти Байрутда уч юз минг кишилик оломон олдида нутқ сўзлаб, ливанликларни мамлакатни тиклашда ҳамжиҳат бўлишга даъват этди.

МАКТАБЛАР ҚУРИЛАВЕРСИН

Давлатнинг ривожини белгилайдиган омиллардан бири қурилишлардир. Уларнинг орасида энг нуфузлиси мактаб қурилиши ҳисобланади. Маълумотларга қараганда МДҲ давлатлари, хусусан Тожикистонни қўя турайлик, ҳатто Қозоғистонда ҳам мактаб қурилишлари тўхтаб қолган. Ўзбекистонда эса, шукрки, мактаблар қурилиши давом этяпти. Бу савобли ишлар келажакда, албатта, ўз мевасини беради.

Самарқанд вилояти ҳокими бу йилни маориф йили деб эълон қилганлигидан хабарингиз бор. Бу йўналишда улар қатор ишларни режалаштиришган. Яқинда Тайлоқ туманидаги «Қўшчинор» жамоа хўжалигининг муҳташам марказий идораси мактабга айлантирилди. Кенг ва катта мажлислар зали эса спорт залга мослаштириб жиҳозланди. Мактаб ва спорт залининг жиҳозлари учун 300 минг сўм сарфланди. Айни кунда Тайлоқ туманида 5 та янги типдаги мактаб қурилиши давом этмоқда.

Н. ИСЛОМОВА.

МУҚАДДАС БУРЧ

Тарихдан маълумки, мустаҳкам қўрғон, яъни давлат барпо этиш биргина авлод зиммасидаги вазифа бўлмаган. Катталар унинг илк тамал тошларини қўйиб, бошқаларга бўйлаштириб ўз издошларига улкан мерос қилиб қолдириб кетса, ёшлар чекига эса уни янада тараққий эттириш, мавжудлигини таъминлаш каби ўта жиддий вазифа тушиб келган. Ҳукуматимизнинг ўсмир-ёшлар тарбияси ва таълими билан жиддий шуғуллана бошлаганлигининг боиси ҳам худди шунда. Негаки, мамлакатимиз бошидан қайта жонланиш жараёни кечаётган мураккаб бир паллада ёшларимизга муносиб таълим-тарбия бериш, улар онгига озодлик, ҳурлик ва Ватанига меҳру муҳаббат каби хислатларни сингдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак. Шу йўлда ҳамкорликда ҳаракат қилишни, бу борадаги мавжуд муаммоларни атрофлича муҳокама этиш, зарур чоратадбирлар белгилашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари» мавзуида Тошкент шаҳридаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида конференция бўлиб ўтди. Уни Республика Президенти девони Ахборот маркази раҳбари А. Кучимов олиб борди. Конференция иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан йўлланган табрикни Республика бош вазири ўринбосари Дилбар Ғуломова ўқиб эшиттирди.

Мавзудан масаланинг муҳимлигини англаш мумкин. Бола тарбияси билан бевосита алоқадор кишилардан ташкил топган конференция аҳли буни чин дилдан ҳис этиб, сўзга чиққанлар мавжуд ҳолни баён этибгина қолмай, балки уни яхшилаш учун қилиниши лозим бўлган ишларни таклиф сифатида айтишди.

Жумладан, мазкур конференция ташкилий қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова ёшлар тарбияси хусусида гапириб, уларга муносиб одоб-ахлоқ бериш оилада бошланиши лозимлигини таъкидлади. Нотиқ бу борада муаммоларни келтириб чиқараётган бир талай омиллар ҳақида сўз юритиб, асосан қизларнинг эрта, оиланинг муқаддаслигини тушунмаган ҳолда турмушга бериладиганлиги, натижада ажралишларнинг кўпайиши, болаларнинг ноқобил оналар қўлида қолиб кетаётганлиги хусусида куюниб гапирди.

Конференцияда сўзга чиққан Республика Бош прокурори Буритош Мустафоев жиноятчилик сонининг ўтган даврга нисбатан ўсмир-ёшлар ўртасида бироз тушганлигини айта туриб, мамлакатимизда аёллар ўртасида ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг ошиб бораётганлигини афсус билан қайд этди. Чунки тарбияда асосий шахс бўлиши керак бўлган Онанинг муносиб мавқеини, ахлоқини юзага келтирмасдан бола тарбияси ҳақида қайғуриш мантиққа зид.

Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ўз сўзида таълим-тарбия муассасаларидаги аҳвол тўғрисида тўхталиб, «Мактаб, оила, маҳалла» концепциясига жойларда амал қилинмаётганлиги бу борада қуплаб муаммоларни келтириб чиқараётганлигини, уларнинг ечими эса айнан шу концепцияни жойларда жорий этилишига боғлиқлигини таъкидлади. Чунки, — дейди Ж. Йўлдошев, — оила, маҳалла, мактаб ҳосил этган халқа ичидаги ўқувчи ҳеч қачон жиноятга қўл урмайди.

Конференция юқорида таъкидлаганимиздек, таклифларга бой бўлди. Олий ва ўрта махсус таълим вазири Оқил Салимовнинг абитуриентларнинг олий ўқув юртларига қабул қилинишида қанчалик тарбия топганлиги мезонини аниқлаш йўлларини топиш ҳақидаги, «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ. Абдураимовнинг бу каби муаммоларни бевосита ёшлар иштирокида тез-тез муҳокама этилиб турилишини таъминлаш ҳақидаги ва шу каби қуплаб амалий ишларни назарда тутган таклифлар бундан буёнги ишларга ўзига хос режа бўлди десак адашмаймиз.

Анжуман ниҳоясида чиқарилган асосий хулоса шу бўлдики, ёшлар тарбияси ишини умумхалқ ишига айлантирмасдан бу борада қувонарли натижалар кутиш амри маҳол.

Конференцияда Республика Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева иштирок этди.

Мухбиримиз.

ДИҚҚАТ! БЕВОСИТА МУЛОҚОТ!

16 май соат 14 дан 16 гача Республика Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим Бош бошқармаси ходимлари Сизларнинг битириш ҳамда синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари, тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатларнинг берилиши тартиби билан боғлиқ барча саволларингизга жавоб беришади.

Директорлар, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари, ўқитувчилар, отаоналар ва ўқувчилар бу қулай имкониятдан фойдаланинг.

Тошкент шаҳридаги телефонлар: 39-13-41, 39-40-90, 39-43-11, 39-43-28, 39-19-59.

Tennis

«Ҳавас»нинг ибрати



Газетамиз мукофоти совриндори А. Миржалилов.

Тан олиб айтиш керак, яқин-яқинларгача Ўзбекистонда катта теннисни ҳақиқий спорт турларидан бирига айланади, дейишса кўпчилик ишонишмасди. Лекин, буни қарангки, сунгги пайтда ушбу спорт турининг ҳам ҳақиқий «уста»лари пайдо бўла бошлади.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг спортга муносабати ҳаммага маълум. Бундай муносабат ҳар томонлама намоён бўлмоқда. Юрт истиқлолга эришгач, мамлакатимизда қабул қилинган дастлабки Қонунлардан бири — «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» бўлди. Хусусан, катта теннис ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бораётир. Буни ўтган даврда Андижон, Наманган, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида қурилган замонавий теннис кортлари-

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 1997 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида: иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 75О сўм; ёшга доир пенсиянинг энг оз миқдори — ойига 14ОО сўм; фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 75О сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряднинг энг оз миқдори — ойига 75О сўм миқдорида белгилансин.

2. 1997 йилнинг 1 июлидан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин.

3. 1997 йил 1 июлдан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

— болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 14ОО сўм;

— зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 85О сўм.

4. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари,шунингдек пенсиялар, боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилувчи оналарга, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1997 йил 1 июлдан бошлаб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларига асосланиб, пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимлари мансаб маошларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва Пенсия фонди ҳисобидан қоплансин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатларини пасайтириш ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида оширсинлар ва бунда мазкур Фармон билан белгиланган энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 июлдаги 1499-сон Фармони /9-банди бундан мустасно/ 1997 йил 1 июлдан бошлаб ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 6 май.

ХАБАРЛАРИ — МММ

«ИШОНЧ»ГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факультети талабаларининг «Ишонч» газетаси бош муҳаррири билан бўлиб ўтган учрашувидан сўнг талабаларда бу газетага бўлган ишонч яна бир карра ошди. Газета бош муҳаррири талабаларга бугунги бозор иқтисодиёти шароитида газета-журналлар молиявий аҳволи ҳақида сўзлаб берди. «Бўлажак журналистларнинг газета-журналлар молиявий аҳволини ўрганиши нақадар зарур эканлиги» учрашувда алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга бош муҳаррир талабаларга «Ишонч» газетасининг босиб ўтган йўли, бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапириб берди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

М. ИСРОИЛОВ.

ТОЗАЛИК ҲАМ МАЪНАВИЯТ

Қарши Давлат университети педагогика ва мусиқа факультетида «Экологик маданият маънавият белгисидир» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Уни университет ректорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи ўринбосари, доцент Абдусалом Ўроқов очди. Сунгра «Экологиянинг ҳозирги замон муаммолари» мавзуида доцент Лутфулла Ёзиев, «Экологиянинг инсон саломатлигига таъсири» мавзуида доцент Турақул Ўроқов, «Ёшларда экология маданиятини шакллантириш йўллари ва усуллари» мавзуида катта ўқитувчи Ҳалима Аҳатовалар маъруза қилишди.

Анжуманда шаҳар маданият ва маърифат бўлими бошлиғи Гулнора Нурёғдиева, профессор Баҳодир Аминовлар иштирок этишди.

С. ШАФОАТОВ.

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР КЎРГАЗМАСИ

Республика Таълим марказида Ҳунар таълими Республика Маданият уйи тасвирий санъат тўгараги раҳбари З. Усмонов ҳамда унинг ўқувчилари чизган расмларининг кўргазмаси намойиш этилди.

Кўргазмада З. Усмоновнинг «Хўжа Насриддин» асари, нақшин қутичалари, график расмлари ҳамда унинг ўқувчиларидан М. Маннопованинг «Эртак қаҳрамони», А. Алимуҳамедовнинг «Тақсимчада олма кўтарган қиз», Д. Раҳимовнинг «Лолалар» каби чизган расмлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Х. АБДУРАҲМОНОВ.

Kengash

ШАХСИЙ КУТУБХОНАМИЗ БОРМИ?

Бугунги ёшларимизнинг маънавияти, маданияти ҳақида сўз кетса, очиқ гап, ҳижолатпазликдан андак қизариб-бўзариб олишга тўғри келаяпти. Сабаби сир эмас. Аксарият ўспиринлар жамоат жойда ўзни тутиш, муомала маданиятини-да билмайдилар. Улар орасида енгил-елпи кун кечириш, сохтагарчилик фазилатга айланиб бораётир. Хўш, бундай ёшларни муқаррар маънавий таназзулдан қандай қутқариш мумкин? Аввало, ёшларда китобга меҳр, ўқишга чанқоқлик уйғотиш зарур. Бу фикр, албатта, неча-неча бор қайта-қайта ўртага ташланган, шу сабабдан ҳам кўпларнинг энсасини қотириши турган гап. Лекин, начора, маънавий ҳалокатдан бизни фақатгина китобларгина қутқара олади, хоҳласак-хоҳламасак-да, барибир яна шу фикр пойига бош қўяверамиз.

Китоб хаёлотимизни бойитади, туйғуларимизни ўстиради, билимимизни оширади. «Китоб ўқимаганнинг куни ўтмайдими?», «Фалончи тузукроқ мактаб кўрмаган бўлса-да, қўлида жарақ-жарақ пул ўйнайди», деган «замонавий» гап-сўзларни кўп эшитганмиз. Бироқ, ўша тахлам-тахлам пулларни санаб ҳузурланиш учун ҳам қандайдир савия керак! Юксак савия эса китоб ўқиш орқалигина бўлади. Бундан ташқари, кўриб ёки эшитиб, ҳидлаб ёки силаб ҳузурланиш ҳам ҳис-туйғулар ишидир. Ҳис-туйғуга бой одамнинг ҳузурланиши (азобланиши ҳам) бир неча марта ортиқ бўлади. Ҳис-туйғулар эса юқорида таъкидлаганимиздек китоб ўқиш орқалигина ўстирилади.

Маҳалламизда бир қиз бозорда гул сотарди. Юзлари кўпчиган хамирдай, бўйи басти бақ-бақалоқ. Ўша бир куни бизникига чиқиб, зо-оқ чайналачайнала ўқиш учун китоб сўради. Мен ҳайрон қолдим. Чунки Нилуфар (исмини ўзгартирдим) китоб кўтарганни кўрса, «ўқимишли», дея киноя билан куладиган, дунёда пулнинг қудратидан бошқасини тан олмайдиган қиз эди. Қолаверса, китоб ўқиш учун саводи нечоғлик эканини ҳам билмасдим.

— Нима учун китобга қизиқиб қолдинг? — сўрадим Нилуфардан.

Маҳалладош қиз гоҳ ерга, гоҳ осмонга қараб минг бир ҳижолат ичида аранг «керак-да» деб қўйди. Сезиб турибман, Нилуфар ўз фикрини айтмоқчию бироқ эвини келтиролмай овора. (Худди шу ҳол ҳам китоб ўқимаганликнинг асорати). Мен ўша куни Нилуфарнинг савиясига мосроқ китоб топиб бериш учун хўб қийналдим. Охири, «Чолиқуши» романини топиб берганим ҳамон эсимда.

Ўшандан бери икки йил вақт ўтди. Бир йилча Нилуфар мендан китоблар олиб турди. Лекин кейинчалик китоб сўраб келмай қўйди. Биз яқинда ногоҳ учрашиб хийла вақт суҳбатлашиб қолдик.

— Ўшанда нима учун китоб сўраб чиққанимни айтайми? — деди Нилуфар.

— Ҳа, ўшанда уялиб гапирмаган эдингиз.

— Биласизми, — деди Нилуфар ўйчан, — мен бозорда беш-олти йилдан бери гул сотаман. Тўғриси, гулларимни асосан рус тилида сўзловчилар олади. Олганда ҳам аллақандай меҳр билан кўзлари ёниб гулларга термулишади. Ўзларича нималардир деб пичирлашади. Мен уларни узо-оқ кузатдим. Охири, миямда саволлар ғужғон ўйнай бошлади: гўзаллик нима? Хўш, гулнинг жозибаси нимада? Нега анови ахмоқлар мунча кўп гул сотиб олишади. Ахир, шу пулга бозордан бир дунё егулик харид қилса бўладику? Бу гул деганлари учтўрт кундан сўнг сўлиб қолади, уни на еб бўлади, на кийиб... Хуллас, ўйлай-ўйлай, барча саволларимга китоб ўқиб жавоб топишга қарор қилдим.

— Топдингми? — сўрадим ҳазиломуз.

— Ҳа, — деди Нилуфар кулиб, — ҳатто керагидан ортиқ....

— Нега кейинги пайтлар китоб сўраб чиқмаяпсан?

— Вў-ўй, сизни қарангa, — деди Нилуфар ажабланганнамо, — ҳозир ўзимнинг шахсий кутубхонам бор. Агар бирор китоб керак бўлиб қолса, ҳеч тортинмай чиқаверинг...

Ҳа, Нилуфар буткул ўзгарганди. У китоб билан сирдош бўлиб тамом бошқача қизга айланганди. Лекин китоблар унинг гул савдосига зиён-заҳмат етказмади, бадном қилмади. Аксинча...

Илгари Нилуфарнинг бозордаги эркакларга монанд бақир-чақирини бутун маҳалла эшитарди. Устидаги кийимлари қимматбаҳо бўлса-да, алланечук иркитнамо кўринар, ўтган-қайтганнинг жирканчини қўзғарди. Энди эса... муомаласида, ўзини тутишида қандайдир жозиба пайдо бўлганди, юз-кўзларида сирли, ёрқин хаёллар кезиниб қолганди. Бунинг барчаси Нилуфарга чинакам, шарқона латофат бағишларди.

* * *

Хўш, болаларда қандай қилиб китобга меҳр уйғотиш мумкин? Қандай қилиб уларни худди «Денде»га қизиққандек, китобга қизиқтириш мумкин? Аввало, уйда китобхон учун муҳит бўлиши керак. Ҳар бир оиланинг ўз кутубхонаси бўлиши зарур. Зеро, болада энг илгари уйдаги муҳитга, уй жиҳозларига қизиқиш уйғонади. Бола ота-онасига тақлид қила бошлайди. Ана шундай пайтда болаларни китобхонликка осонгина мойиллаштирса бўлади (Бунинг учун, албатта, ота-онанинг ўзлари ҳам китобхон бўлмоғи керак).

Ҳозирги пайтда аксарият оилалар уй мебелларини қимматбаҳо идиш-товоқлар билан безашга ружу қўйган. Ахир, китоблар билан ҳам чиройли этиб безаш имконлари бор-ку? Ана шу йўл билан ҳам шахсий кутубхона ташкил этиш мумкин. Хўш, шахсий кутубхона ташкил этишда нималарга аҳамият бериш жоиз? Аввало, китоблар ранг-баранг (бадиий, илмий, фалсафий, диний) йиғилса мақсадга мувофиқ бўлади. Болаларнинг ёшига мос, содда, ранг-баранг суратли китоблар жавонининг пастроқ, яъни жажжиларимизнинг қўли етадиган, қизиқиш уйғонган пайти, ҳеч қурса, варақлаб кўриш имкони бўладиган қаторга терилиши керак.

Биз узоқ тарихимизга назар ташласак-да, олис аждодларимиз шахсий кутубхоналарга катта аҳамият берганини кузатамиз. Мисол тариқасида, ҳассос шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Ҳаким ва ажал» достонини бир эслашайлик. Ўша достонда ёш табиб шахсий кутубхонаси бўлишни орзу қилади. Табибнинг катта бир хизматидан сўнг Бухоро ҳукмдори унга «бўйи баробар зар» бермади, аксинча, ўз шахсий кутубхонасидан фойдаланишга рухсат этди, шу ҳукмдорнинг тахтига талабгор ёш зодагон йигит эса табибни бадном қилиб Бухородан ҳайдатиш учун, айнан, кутубхонага ўт қўйишни танлади. Ваҳоланки, у табибга туҳмат қилиш учун бошқа ҳар қандай жиноятга ҳам қодир эди, демак, бу тахтпараст ҳам ҳеч бир нарса ёнган кутубхона ўрнини босмаслигини яхши англаб етган.

Ҳа, тарихдан, бобо-момолар ҳаётидан маънавиятимизни қадрлашга, хусусан, кутубхоналар яратишга доир кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ аждодлар билан фахрланишгина бизга буюк келажакни яратиб беролмайди. Келажакни маънавияти баркамол бугунги авлод яратади. Баркамол маънавиятни китоб, кутубхона яратиши шубҳасиздир.

Муҳаббат МИРЗАЛИЕВА.

Metodika minbari

ОРОМГОҲДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР

Дам олиш мавсуми яқин. Кўпчилик, айниқса, мактаб ўқувчилари ёз ойларини интизорлик билан кутишмоқда. Чунки улар бу ойларда таътилга чиқишиб, аксарияти ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига йўл олишади.

Оромгоҳларда маънавий-тарбиявий ишлар қўламини қандай белгилаш керак? Республика Таълим маркази томонидан тавсия этилаётган методик кўрсатмалар, шу соҳада иш олиб борувчиларга йўлланма ва қўлланма бўлади.

Аввало, оромгоҳларнинг ташқи жиҳатдан безатилишига эътибор бериш лозим. Унинг номидан тортиб, айвон, бассейн, ошхона, ўйин майдончалари, стадион, кутубхона, ҳамма-ҳамма жойга зарурий шиорлар, донишмандларимизнинг ўгит-насиҳатлари, ибратомуз ҳикматлар дид ва ҳафсала билан ёзилиб қўйилса, бу ҳам тарбиявий мақсадга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мактаб ўқувчиларини миллий-маънавий қадриятлар, маданий меросимиз, халқ педагогикаси, тарихий қаҳрамонлар, алломаларимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш энг биринчи галдаги вазифа бўлиши керак.

Маълумки, бу йил Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик туйи нишонланади. Бу сана шунчаки гап эмас. Қадимий шаҳарларнинг тарихи, бугунги кўрки ҳақида билмаслик миллий ғуруримизга зид. Демак, ҳар бир оромгоҳда ана шу саналарга бағишланган тадбир, албатта, хоҳ катта, хоҳ кичик тарзда бўлсин, ўтказилса, ўқувчилар бу шаҳарлар ҳақида бирмунча маълумотга эга бўлсалар, мақсадга мувофиқдир.

Табиат — бойлик. Унинг муҳофазаси эса эзгу иш. Лагерга дам олиш учун келган боланинг онгига табиат муҳофазаси ҳақида тушунча бериш тарбиячилар, етакчилар томонидан бажарилади. Албатта, бу иш табиат қўйнига сайр, турли музей ва қадамжоларга зиёрат қилиш орқали амалга оширилиши мумкинлигини улар яхши билишса керак. Тошкент шаҳри ва вилояти атрофида дам олувчилар пойтахтимизда яқиндагина бунёд этилган соҳибқирон Амир Темур музейини зиёрат қилиб кетсалар, ёмон бўлмайди.

Сир эмаски, мактаб ўқувчилари турли касб-ҳунарларга жуда қизиқишади. Имкониятга қараб, оромгоҳларда касбга оид тўгараклар очиб қўйилса, болаларнинг шуғулланишлари учун шароит яратиб қўйилса, фойдадан холи бўлмасди. Спорт-соғломлаштириш, бадиий-эстетик, ижодий, касб-ҳунар каби йўналишлар бўйича алоҳида-алоҳида тўгараклар очиш лозим. Ҳар бир боланинг камида икки хил спорт тўгарагига қатнашишини шарт қилиб қўйиш керак. Тўгарак машғулотларини куннинг биринчи ярми ва иккинчи ярмида бир вақтда, ёппасига ўтказиш вақтнинг тежалишига имкон яратади.

Ҳар бир тарбиячи, етакчи кам деганда бир тўгаракка раҳбар бўлиши шарт қилиб қўйилади. Тўгарак машғулотлари дастурида халқ ҳунармандчилиги, бадиий ҳаваскорлик, спорт ўйинлари, санитария-гигиена асослари бўйича билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш мақсад қилиб олиниши керак. Турли касб ва шаклдаги тўгарак ишларини тарғиб қилиш учун машғулотлар мазмуни юзасидан танишув-презентация кунларини ўтказиш лозим бўлади. Бу иш оромгоҳларнинг очилиш кунига мўлжалланади. Ҳар бир босқич охирида ўқувчиларнинг бирор касб бўйича ҳосил қилган малакалари юзасидан қисқа ахборот эълон қилинади. Бу тадбир якунловчи мусобақа, олимпиада, кўргазма, танлов, концерт кўринишларида амалга оширилиши мумкин.

Оромгоҳ раҳбарияти ҳар бир ишга бош-қош бўлиши лозим. Тўгарак раҳбарларини олий ва ўрта педагогика ўқув юртларининг талабаларидан тайинлаш мумкин. Албатта, дабдурустдан эмас. Бу ишга май ойида улгуриш лозим. Туман, шаҳар методика кабинетлари, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида тўгарак раҳбарлари учун махсус ўқув курси ташкил этилса ва бунда мактабдан ташқари муассасалар ходимларининг иш тажрибаси, кўрсатмаларига таянилса, ёмон бўлмайди.

Ёз ойлари дам олиш учун соз ва қулай. Демак, таътил ойларини ёзги соғломлаштириш масканларида ўтказишга аҳд қилган ўғил-қизларимизнинг мароқли, мазмунли дам олишларини ташкил этиш халқ таълими фидойиларининг саъйи-ҳаракатларига боғлиқ.

Машкура ТУРОПОВА,
Республика Таълим маркази маънавият ва қўшимча таълим бўлими бошлиғи.

Жонкуяр ўқитувчи Умрия Умарова кўп йиллардан буён Иштихон туманидаги 96-таянч мактабда ўқувчиларга математика фанидан дарс бериб келмоқда.

Бутун фаолияти давомида олдига қўйган мақсади битта — у ҳам бўлса ёшларга чуқур билим бериш. Дилдан қилинган самарали меҳнат ўз натижасини бермай қолмайди. Шогирдлари олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этишяпти. У. Умаровани жамоат ишларининг жонкуяри сифатида ҳам қадрлашади. У киши мактаб хотин-қизлар қўмитасининг раиси, физика-математика фанлари уюшмасининг раиси.

СУРАТДА: У. Умарова шогирдлари даврасида.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

ЭНГ ОБРЎЛИ КАСБ

АҚШдаги Харриес тадқиқот марказининг аҳоли ўртасида ўтказган сўровларига қараганда, ўқитувчилик энг обрўли касблардан бири деб ҳисобланмоқда. Сўнгги йигирма йил ичида муаллимликка қизиқиш кескин ортган ҳамда ҳозирги пайтда америкаликларнинг 49 фоизи ушбу касбни эгаллашни хоҳлашини билдирган. Ўқитувчиликдан сўнг шифокор, инженер, диндор, илмий ходим бўлиш аҳоли ўртасида алоҳида аҳамиятга эга.

ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР

Россиялик саёҳатчи Фёдор Конюхов ўзининг «Жаҳоннинг етти чўққиси» номли орзусини якунига етказмоқда. 1992 йилдан бери у Эльбурс (Европа), Эверест (Осиё), Винсон (Антрактида), Аконкагуа (Жанубий Америка), Калиманжаро (Африка), Косциюшко (Австралия) чўққиларини забт этди. Эндиликда, баландлик ишқибозига Аляскадаги Мак-Кинли (6.193 м). чўққисига кўтарилиш қолди.

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОҲИБАСИ

Польшалик шоира Вислав Шимборская халқаро Нобель мукофоти соҳибаси бўлди. Бу — адабиёт бўйича Нобель мукофотини олган тўртинчи польшаликдир. Мукофот швециялик ихтирочи ва саноатчи Альфред Бернхард Нобель томонидан таъсис этилган бўлиб, адабиёт соҳасидаги совриндорларни аниқлаш Стокгольмдаги Швеция академияси зиммасига юкланган. Мукофотга биринчи марта 1901 йили француз шоири Сюлли Прюдем лойиқ деб топилган эди.

ОСТАНКИНО МИНОРАСИ

Россиялик мутахассис олимлар Москвадаги Останкино минорасининг баландлигини ошириш лойиҳаларини тузди. Янги телевизион каналларнинг эҳтиёжи ҳамда миноранинг қурилганига 30 йил тўлиши муносабати билан шундай режалар тузилмоқда. 540 метрли Останкино олдинига энг баланд эди, бироқ кейинчалик Канаданинг Торонто шаҳрида ундан 13 метр баланд минора қад кўтарди. Канадаликлар ўз миноралари рекламасидан ҳам катта даромад оладилар, шу сабабли русларнинг ниятидан безовта бўлаётганлар ҳам канадаликлардир.

ЭЛЕКТРОН ТЎЙИ

Инсониятга маълум энг кичик массали материя — электроннинг аниқланганига бир аср тўлмоқда. 1897 йили апрелда Кембриж университетининг олими Ж. Ж. Томсон атомдаги манфий заряддлар ҳақида маълум қилди, илмий хулосаларини эса октябрдагина нашр этди. Ўша йилнинг январь ойидаёқ немис назариётчиси Эмиль Веерт атом зарралари тўғрисида илмий журналда ёзиб чиққан эди. Зарранинг ихтирочиси деб ким ҳисобланиши керак? Дунё олимлари Томсон тажрибасини тан оладилар. Бунинг устига электроннинг массаси ва ҳажми асримизнинг 30-йилларида аниқланди.

Mulohaza

МОЗИЙГА ҲАМ НАЗАР СОЛИНГ

Вақтли матбуот — халқ учун хизматда. У сиёсатнинг, воқелигимизнинг ёрқин ойнаси. Оммавий ахборот воситалари ҳозирги вақтда маънавият масалаларини кенг ва муфассал ёритаяпти. Зеро, бу унинг зиммасидаги улкан вазифа.

Ёшлар — келажагимиз, юртимиз таянчи. Албатта, давр ва муҳитга яраша инсоннинг дунёқараши ва ҳаётга бўлган муносабати шаклланиб боради. Бозор иқтисодига ўтиш шароитини бошдан кечираётган мамлакатимизда ёшларнинг маънавияти, хулқ-атвори ва таълим-тарбияси қандай?

Маълумки, инсон дунёга келгач, жамиятга мослашади. Мослашиш жараёнида унинг хулқ-атвори, дунёқараши шаклланади.

Очиғини айтиш керак, ҳозирги пайтда мактаб ўқувчиларининг илмга бўлган қизиқишлари сустроқ. Тижорат, олиб-сотарлик аксарият ўқувчиларнинг кундалик машғулотига айланиб қолмоқда. Тўғри, буни тирикчилик, ўзўзини таъминлаш деб эътироф этиш, қолаверса, давр сиёсати билан боғлаш ўринлидир. Лекин ота-боболаримизнинг доно ўгитларини эслайлик, ахир. Илм — ўлмас бойлик, уни сиздан ҳеч ким, ҳеч вақт тортиб ололмайди.

Ҳозир давр тадбиркорники ёки савдогарники деган тасаввур билан олиб-сотарлик орқасида мўмай даромад топаётган, ҳамма нарсани пул билан улчаётган, олақуроқ, қимматбаҳо кийимлар кийиб, олди-қочди гаплар бизбозор-ўчарда ўтказаётган ёшларнинг тест синовларига дош беролмаслиги кундай равшан. Чаласавод мутахассиснинг кимга кераги бор?

Юртимиз мустақилликка эришиб, миллий тарбиямиз, қадриятларимиз қайтадан жонланган бир пайтда жаҳон илм-фани ривожига муносиб улуш қўшган Беруний, Хоразмий, ибн Сино, Улуғбек, Форобий сингари улуғ бобокалонларимиз қаерда ва қандай таълим олишган экан, деган фикр хаёлимиздан ўтади.

Тарихимизга назар ташласак, ўтмишда ота-боболаримиз Шарқда энг табаррук ва муқаддас ўқув маскани, алломалар бешиги бўлиб келган мадрасаларда таълим олишган. Мирзо Улуғбек ўзи қурдирган мадраса пештоқига «Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарз» деган ҳадисни ёздириб қўйган.

Биз яқин йилларгача фақат ўз қобиғига ўралиб қолган ёшларнинг маънавий қиёфаси қандай бўлиши мумкин? Бундай тоифадаги ёшлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, фикр доиралари нақадар тор ва саёз эканлигига гувоҳ бўласиз.

Беш йилдирки, республикамизнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабаларни қабул қилишда тест усули жорий этилди. Бу адолат ва ҳақиқатнинг тикланишига озми-кўпми замин яратяпти. Зукко, билимли ёшлар талабаликка қабул қилиниши қувончли ҳол, албатта. Лекин биз юқорида айтиб ўтган тоифадаги ўқувчилар бундай синовлардан муваффақиятли ўта оляптиларми? Ўз ҳаётининг олтинга тенг дамларини диний таълим йўлга қўйилган деб тасаввур қилган мадрасалар ўша улуғ алломаларимизнинг қутлуғ даргоҳи бўлган. Лекин мадрасалар нафақат дин илми, балки дунёвий илмларни ҳам кенг тарғиб этишни мақсад қилиб қўйган. Агар шундай бўлмаганида буюк алломаларимиз қолдирган бой меросларни вужудга келармиди?

Мадрасаларда таълим олган талабалар ижтимоий ҳимояланган. Масалан, бепул тўрт маҳал овқат, ётоқхона, айрим ўзлаштириши юқори бўлган талабаларга вақф (мадраса фонди) тушумларидан нафақалар берилган. Ушбу илм масканида ўқув йили охирида толибларнинг айрим домлалар томонидан ота-оналар олдида имтиҳон қилиниши уларнинг бурч ва масъулият ҳиссини, ота-оналарнинг эса муддарислар ҳамда мадрасаларга нисбатан эътиқодини кучайтирган. Ўқитишда кўпроқ муқолима ҳамда мунозара усуллари қўлланилиб , ўқув жараёнидан ташқари вақтларда ўқувчиларнинг мударрисларга мурожаат қилиши, дарсни тинглаши,ўз фикрини ифода этиш одоби кишини ҳайратлантиради. Бу каби ижобий натижалар берган таълим бериш усулларидан ҳозирги давр таълим жараёнида фойдаланиш, бизнингча, фақат наф келтирарди.

Зеро, атоқли ёзувчи Абдулла Қодирий айтганидек: «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир».

Зафар ДАРХОНОВ,
аспирант-тадқиқотчи.

Xushxabar

БОЛАЛИККА ҚАЙТГИМ КЕЛДИ...

Умр оқар даре. У ўзи оқиб ўтган йўлларни, манзилларни қанча кўп маърифат шуъласига буркай олса, ортида эзгулик, ҳалоллик деб аталмиш илоҳий неъматларни қолдириб, солланиб, жилоланиб оқа олсагина турмуш шунчалар қизиқ, мазмунли кечармиш.

Мен қадим Бухоройи шарифнинг, этаги чўллар билан туташиб кетгувчи Жондор туманидаги 20-мактабга йўл олар эканман, хаёлимдан беихтиёр шундай ўйлар кечди. Қолаверса, бу илм масканидаги ўқитувчиларнинг фидойилигию ўқувчиларнинг билимга чанқоқлигини кўриб ҳавасим келди.

Хуллас, бу йил мактаб аҳли учун қўшалоқ байрам бўлди. Чунки улар мазкур йилги билимлар кунини янги — 700 ўринли ўқув биноси, компьютерлаштирилган синфхоналарда кутиб олишди. Болажонларнинг, айниқса, ўша кунги қувончини кўрсангиз эди!.. Ахир, улар неча йиллар ўтибдики, совуқ, зах, нимқоронги, қишли-қировли кунларда томидан чакка ўтавериб зериктирадиган, устига-устак жуда ҳам тор хоналарда ўтириб билим олган эдилар!..

Айниқса, мактабнинг собиқ ўқувчиси, афғон жангларида ҳалок бўлган Пиримқул Носиров номида ташкил этилган боғнинг очилиш маросими ҳам шу кунга тўғри келганлиги барчага бирдек маъқул тушди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, вилоят ҳамда туман халқ таълими бўлими ходимлари, ўқитувчилару ўқувчилар П. Носиров хотираси олдида бир дақиқа сукут сақлаб, ҳурмат бажо айлашди.

Мен эса тантаналарда айтилган ҳар бир сўзни, тилакни, янграган куй-қўшиқларни берилиб тингладим. Ширин-ширин хаёлларга чўлғандим. Хотирамни худди кечагидек ёритиб турган бегубор ўқувчилик йилларимни энтикиб-энтикиб қўмсадим. Яна болалигимга қайтгим келди.

Санобар МЕҲМОН қизи.

БИР ШИНГИЛ ХОТИРА

АКАДЕМИК ВОҲИД АБДУЛЛАЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИГА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан Воҳид Абдуллаев ҳақида «Адабиёт илмининг алломаси» деган хотиралар китоби чиққанлигини эшитиб, бениҳоя суюниб кетдим. Устоз ҳақида катта-кичик эсдаликлар, В.Валиҳўжаев, В.Воҳидовнинг жуда самимий ва мароқли ёзилган бир рисоласини ўқиган эдик, энди каттагина китоб чиқибди. Хўп яхши, савобли иш бўлибди. Бу таниқли олим, дарёдил муаллим, меҳрибон мураббий, некбин, валломат инсон ҳақида минглаб шогирдларнинг ҳар бири хотира ёзадиган бўлса, кўп жилдлик китоб юзага келгуси. Камина ҳам Устоз суврати ва сийратига андак чизгилар чизсам.

Профессор Ғайбулла ас-Салом билан ҳамкорликда ёзган «Толибнома» китобимиз юзасидан учрашувларда дорилфунунда сабоқ берган устозларимиз ҳақида сўрашганда, «иншоолло, эъзозли устозларимиз кўп ва хилма-хил, «А» ҳарфидан бошлаб айтадиган бўлсак, академик Абдуллаев» дея ифтихор ила жавоб берамиз.

Воҳид Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги, «Сайланма»си, «Навоий Самарқандда», «Асрлар нафаси», «Хоксор ва Нишотий», «Мирий ва унинг замондоши» каби илмий, «Самарқанддан фронтга», «Самарқанд сайли», «Мададкор эшелон», «Хайричка» каби шеърий китоблари, салмоқли тадқиқотлари, публицистик мақолалари ўқувчиларга яхши таниш. С.Айний, Э.Бертельс, Ш. Рашидов, И.Мўминов, Ойбек, Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, М.Турсунзода, С.Муқонов, И.Бечка, Ҳ.Орасли, Ф.Қосимзода, К.Яшин, А.Мирзоев, В.Воҳидов, О.Содиқов ва бошқа кўпгина олим, адиб, арбобларнинг В.Абдуллаев шаънига айтган, битган дил сўзлари маълум. Устознинг илмий раҳнамолигида О.Икромов, Р.Орзибеков, Ш.Шукуров, Ш.Холматов ва бошқалар докторлик, ўттизга яқин киши номзодлик рисолаларини хатм қилишгани, яна кўп тадқиқотчиларга оппонент, маслаҳатчи бўлишганидан ҳам илмий, адабий жамоатчилик яхши хабардор.

Устоз Воҳид Абдуллаев узоқ йиллар Самарқанд илмий-адабий муҳитининг карвонбошиси, ҳамкасблари, шогирдлари орасида, ўзлари бирор марта ҳам писанда қилмаган бўлса-да, филолог шогирдлар тайёрлаш, китоб, мақолалар чиқаришда энг сермаҳсули, муқаввийлик, ҳотами тойликда намуна, ибрат бўлиб келди. Бугунги кун нуқтаи назари, кенглиги ва баландлигидан туриб Воҳид домлага хос турфа фазилат, хислатлардан бирини таъриф-тавсиф этадиган бўлсак, ул зот қадриятларимизнинг собитқадам қадрловчиси, тадқиқотчиси, тарғиботчиси, ташвиқотчиси эдилар деган бўлардик. Қадимий тарихимиз, бой маданиятимизнинг теран ва нозик билимдони бўлган устоз талабаларга мумтоз адабиётга улкан меҳри-муҳаббати, садоқатини юқтирган, пайванд қилган эдилар. Бу нарса саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмидан, устоз вафотидан кейин, ошкоралик, турфа фикрлиликка бир қадар йўл очилгач, айниқса, мустақиллик қўлга киритилгач, қадриятларимизни қадрлашга кенг имконият очилгач, қаттиқ сезилди ва марҳум Устозга ҳурмат, эҳтиромимиз янада ошди.

Воҳид домла мумтоз адабиётдан, айниқса, ҳазрат Алишер Навоий ижодидан ажиб бир меҳр-ихлос билан маърузалар ўқирди, қувваи ҳофизаси кучлилиги боис ўнлаб ғазаллар, рубоию туюқларни ёддан ифодали ўқир, қайфияти баланд чоғларда, илтимос қилсак, ўз шеърларини ҳам улаб юборар эди. Ўзлари назмларни шоирона, батафсил таҳлил қилардилар, ҳазм этиш осон бўлсин учун баъзан жайдари сўзлар, ўзгача атамалардан фойдаланиб тушунтирардилар: **«Мушкин қошингнинг ҳайъати, яъни қошларингнинг «редколлегияси»** кўзингнинг устидаги жаллод...»

«Навоий, Бобурлардан кейин Муқимий, Фурқатларгача бўлган даврда ўзбек адабиётида жимжитлик ҳукм сурди, деган фикрлар ҳам юради. Бу мутлақо асоссиз гап» дерди домла ва ўзининг Хоразм адабиёти бўйича қилган тадқиқотларида фанга номаълум бўлиб келган шоир, мутафаккирлар ижодидан жўшиб, илҳомланиб, мароқли ҳикоялар қиларди. Ҳолбуки биз сабоқ олган эллигинчи йиллар мумтоз адабиёти ҳақида қисиниб-қимтиниб, эҳтиёт бўлиб гапирадиган давр эди, ВКП(б) МКнинг тарихий деб ном олган даҳшатли қарорлари, миллатчилик, космополитизм, ўтмишни идеаллаштириш ҳақидаги ваҳимали мақолалар, нутқ, муҳокамаларнинг заҳри, совуқ нафаси кетмаган, танқиддан кўпчилик бебаҳра қолмаган, бир чеккаси олдинроқ Воҳид домлага ҳам тегиб ўтган эди. Шунга қарамай Устознинг бой маданиятимиз, кўҳна тарихимиз ҳақида ғурур-ифтихор, қатъият-ишонч ила гуриллаб гапириши, қалам суриши катта жасорат эди.

Устоз, ўткир синчилар сингари иқтидорли, истеъдодли ёшларни бехато аниқлар, уларни «тулпор» дея эркалатар, мурувват кўрсатар, маслаҳати, кўмагини аямас эди.

Воҳид домла қанчалик билимдон, улуғ бўлса, шунчалик камтар, одамохун эди. Ботирхон Валиҳўжаев, Раҳим Воҳидовлар жуда тўғри ёзишганидек: **«...мансаб, мартабалар юксак бўлди. Воҳид домла эса ўша-ўша. Сира ўзгармади. Аксинча, унинг ҳокисорлиги, камсуқумлиги ортди. Устод учун расмиятчилик батамом бегона эди. У иш билан мурожаат этганларни фақат ҳашаматли қабулхонада эмас, қулай келган жойда тинглай олар, ҳожатини чиқарарди. Академик, ректор, депутат Воҳид Абдуллаевнинг уч тийин тўлаб трамвайда юрганини сиз кўрмагандирсиз, аммо биз кўп мароталаб шоҳид бўлганмиз»** («Эзгулик — умр маззуни», «Фан», 1992, 36-бет).

Биз ҳам кўрганмиз, суҳбатлар қурганмиз, қойил бўлганмиз. Зеро, Воҳид Абдуллаев илмлари, мартабалари баланд бўлганлари билан интиҳойи камсуқум, киришимли инсон эдилар.

Сайди УМИРОВ.

ИЖОД ГУЛШАНИДА ГЎЗАЛ АНЖУМАН

МУБОРАК ДАМЛАР

Кўнгилнинг кўзгуси ижод дейилади. Республика «Ижодкор ўқитувчилар» анжуманининг ўтган йилги иштирокчилари бисотидан мўъжазгина бир «кўзгу» яратилди. Унга «Муборак дамлар» деб ном берилди. Биз эса ушбу китобни «муборак қадамлар» деб атагимиз келди. Чуқки китобни анъанавий анжуманнинг илк самараси десак бўлади.

Ўйлаймизки, бу йилги ва келгуси анжуманлар ҳам шу сингари бой самаралар беради.

ОҚ ЙЎЛ, БИРОДАРЛАРИМ!

Одатда янги бир фикрни қанотлантириш, унга оқ фотиҳа бериш қийин бўлади. Айниқса, биз буни ёшини яшаб ўтган, ҳар қандай янгиликка ғов бўлган эски тузумда кўп кўрганмиз. Қандоқ бўларкин деган иккиланиш ана шу тариқа онгимизга сингиб кетган.

Эркин нафас ола бошлагаримиз — Мустақилликка эришган кунимиздан бошлаб бундай чек-чегараларга нуқта қўйилди. Республикамизда ихтиролар, ижодкорлик асри бошланди. Янги ташаббус, янги фикрни қўллаб-қувватловчилар кўпайди. Юртбошимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деганларида аввало ана шу бунёдкорлик, ижодкорликни кўзда тутганлар. Ота-боболари илму фан, маданият бешигини тебратган халқнинг бугунги авлоди ана шу буюк ният билан нафас олмоқда. Буни ҳаммамиз мустақилликнинг ўтган беш йили мобайнида кўрдик. Гувоҳ бўлдик.

Республикамизда халқ таълими тизимларида ҳам бу ҳол яққол кўринди. Турли ўй-ғоялларга берилмасдан олдин бир гапни айтақолай. Барча даврлару асрларда таълим-тарбия ишлари билан фидойилар шуғулланган. Умрини бағишлаган. Умрбод устоз деган ном олган.

Биз бугунга келиб яна бир нарсани ҳис этдик. Мактабларимизда болаларга дарсу одоб ўргатиш билан бирга ижод қилаётган ўқитувчилар кўплигини...

Бундан беш йил олдин Республика Халқ таълими вазирлигида ишлаб юрган кезларимда кўнгилда бир ният туғилиб, вазир ҳузурига кирдим.

— Шу... Республика ижодкор ўқитувчилар адабий анжуманини ўтказсак...

Жўра Ғаниевичга асл мақсадни тушунтира бошладим.

— Биласиз. Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» рўмонидан ташқари муаллимлар, мактаб ҳаётига бағишланган бирорта асар йўқ. «Ўқитувчи» рўмони ҳам умрини яшаб бўлди. Ахир, ўқитувчидан чиққан шоиру ёзувчи кўп. Мана Ойбек домла, Мақсуд Шайхзода, Султон Жўралар ҳам олий ўқув юртларида, мактабларда дарс беришган. Ўша баҳона кўп шеъру достонлар яратилган. Асосий ният, бугунги мактаб ҳаётини адабиётга олиб кириш. Буни фақат дарс бериш билан бирга ижод қилаётган ўқитувчи уддасидан чиқиши мумкин. Улар эса жуда кўп. Фақат уларнинг бошини қовуштириб, бормисизлар десак бўлди... Дадил бу фикрни ўртага ташлашимга сабаб, Жўра ака ижодкорликни, ахборотни яхши кўрадилар.

Шу тариқа Мустақилликнинг илк кунларида Республика Халқ таълими вазирлиги чорлови билан янги бир адабий йиғин дунёга келди. Биринчи қадамидаёқ у ижодкор ўқитувчилар адабий анжумани деб ном олди. Тўғри, бу масалада иккиланишлар ҳам бўлди. Баъзилар бу иш Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасиники деб туриб олишди. Кейин бунга ойдинлик киритилди. Вазирлик билан уюшма ҳамкорлигида ўтса, деган қарорга келинди. Натижада катта ҳамкорлик пайдо бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти бу ташаббусни жон деб қабул қилди. Моҳияти жиҳатидан ягона мақсад билан ишлаганимиз аён бўлди.

Вазирликда анжуман низоми, дастури ишлаб чиқилди. Курибсизки, бормисизлар, ижодкор ўқитувчилар, деган сас берилгач, шаҳару туманларда мен бу ердаман деб қўл кўтарувчилар кўпайди. Биринчи анжуман ана шундай қилиб 1991 йилда Тошкентда ўтказилди.

Адабий анжуман анъанавий тус олиб, ҳар йили ўта бошлади. Бу йиллар орасида Паркент, Мирзаобод, Зомин туманларида, ўтган йили эса Фарғона вилоятида бўлиб ўтди.

Наср, назм, драматургия, болалар адабиёти, публицистика кенгашлари баравар иш олиб борди. Ёзувчилар ўз издошлари кўпайганидан қувониб, ҳар бир қўлёзма устида соатлаб фикр юритдилар. Ўқитувчи-ижодкорлар асарларини оммалаштиришда ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ҳамкорликнинг яна бир натижаси шу бўлдики, шу йиллар орасида анжуман қатнашчиларидан — Баҳром Маҳмуд, Тошпўлат Холмат, Ғози Раҳмон, Олқор Дамин, Чоршанба Деҳнавий каби муаллимлар уюшма аъзолигига қабул қилинди. Бу орада унлаб ижодкор-ўқитувчиларнинг турли жанрдаги тўпламлари нашр этилди.

Бу адабий анжуманнинг яна бир хосияти шу бўлдики, халқ таълими нашрларига ёзадиган мухбирлар, турли қўлланмаю дастурлар битувчилар сони кўпайди. Анжуманда қатнашган ижодкор ўқитувчилар бундан руҳланиб, ўз мактабларида «Ёш қаламкашлар» тўгараги ишини қайта йўлга қўйдилар. Вазирлик ҳам уларни қуруқ қўймади. Махсус «Ижодкор ўқитувчи» кўкрак нишони таъсис этди.

Фарғонада ўтган йиғинда вазирликнинг таълим-тарбия бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳамидов яна бир кўнгилни кўтарадиган иш қилди. Бу йилги йиғин иштирокчилари асарларини бир муқова остида нашр қилишга мен ҳомийлик қиламан деб сўз берди. Натижада ушбу тўплам дунёга келди. Бу ерда сизга таниш ижодкор — ўқитувчиларнинг битиклари жамланган. Уларнинг яшаш манзиллари ҳар хил. Аммо ниятлари битта. Бу ниятнинг бош хайрихоҳи — вазирлик.

Мен бу ерда бадиийликдан дарс беришни бўйнимга олмадим. Алоҳида рўйхатлар тузмадим. Муҳими, режаси эмас, натижаси қўлимизда. Айтадиган сўзим битта. Оқ йўл, биродарларим! Янги китоб муборак.

Сафар БАРНОЕВ.

Бугун Андижон шаҳрида Республика ижодкор ўқитувчиларининг анъанавий VI анжумани бошланди

УСМОН НОСИР МОНОЛОГИ

Юртим, сенинг қучоғингга,
Учиб кетсам қанийди.
Йиғлай-йиғлай тупроғингни,
Қучиб ётсам қанийди.

Сен юлдузсан мендан йироқ,
Узатсам қўл етмагай.
Юрагимни тирнар фироқ,
Армонларим битмагай.

«Душман», — деди дўстим каби,
Ён-веримда юрганлар.
Шеър ўқисам, қойил қолиб,
Чапак чалиб турганлар.

Ёш жонимга раҳм қилмай,
Жаҳаннамга отдилар.
Ёзилмаган қанча шеърим,
Бўғзимда тош қотдилар.

Магаданнинг сарҳадлари —
Ичра заррадек йитдим.
Юртим, сенинг фироғингда,
Шам каби эриб битдим.

Кўксимдаги юрак эмас,
Парча қон бўлган дилим.
Мен-ку, тамом бўлдим ёниб,
Сен омон бўлгин, элим!

Элим, асра фарзандларинг,
Омон қолсин диёнат.
Мендек бахти қаро бўлма,
Йироқ бўлсин хиёнат.

Армон бўлди, етолмадим,
Армон билан кетарман,
Сенга сўнгги қасидамни,
Қоним билан битарман...

Раъно АМИНОВА,
Тўрткўл шаҳар А. Навоий номидаги лицей ўқитувчиси.

***

Гирдоблар, гирдоблар, сонсиз гирдоблар,
Дарёни ямламоқ бўлиб айланар.
Гўё сув қаърида ёнган азоблар,
Чидолмай изтироб билан айланар.

Гарчи тубларида бўлса-да зулмат,
Айлана атрофин қоплар сарғиш нур.
Ишонтим келади ўша нур албат,
Хафақон вужуддан ғамни кемирур.

Гирдоблар дарёнинг юрагин ўртаб,
Оромин сўндирган ташвиши азал.
Уларга термулиб кетарман ўйлаб,
Наҳотки, дард эрур шунчалар ғузал.

ТУН

Дарахтларнинг япроғига тун чўкмоқда,
Қораймоқда дарахтларнинг япроқлари.
Қора малак алам билан ёш тўкмоқда,
Вужудида ниманингдир титроқлари.

Юрагида борми унинг пинҳон дарди,
Қора малак доим шундай ёшин тўкар.
Япроқларга бўлганми ё қалби банди,
Нечун улар оғушига қуюқ чўкар.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,
А. Икромов туманидаги 296-мактаб ўқитувчиси.

Quvnoq davra

МАТЕМАТИКА ДАРСИДА

— Нега дарсга болта кутариб келдинг? — сўради мактаб директори ўқувчидан.

— Утган дарсда ўқитувчимиз «Келгуси дарсда илдиз чиқаришни ўрганамиз» дегандилар-да!

ТАРИХ ДАРСИДА

— Қани Носиров, 1219 йилда қандай воқеа бўлган?

— Ўша йили мўғуллар юртимизга бостириб киришган.

— Жуда тўғри! 1240 йилдачи?

— Мўғуллар юртимизга бостириб кирганига 21 йил бўлган.

ОНА ТИЛИ ДАРСИДА

Ўқитувчи ўқувчидан сўради: «У отда боғ айланиб сайр қиларди». Ушбу жумлада гапнинг эгаси қаерда келяпти?

— Қаерда буларди, отнинг устида-да!

ТАРБИЯВИЙ СОАТДА

— Қани Дилшод, уйларингда энг яхши кўрган кишинг ким?

— Итимиз Олапар!

— Нега?

— Чунки у «ишларни қилдингми?», «дарсингни нега тайёрламаяпсан?» деб, уришавермайди-да!

Азизхон БУЗРУКОВ,
Андижон туманидаги 40-мактаб ўқитувчиси.

ВИЖДОН ҲУКМИ

Ҳақиқатни айтиб бетингга,
Учрадимми ғазабларингга.
Гар айтмасам қолиб кетарман,
Виждонимнинг азобларига.

Майли, мени кўкка кўтарма,
Қилма менга мурувват бироқ.
Хушомад-ла кўкда юргандан,
Виждонимнинг амри буюкроқ.

Ҳимоят НАЗАРОВА,
Гулистон туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси.

БУ ДУНЁДА МЕН БЎЛМАСАМ ҲАМ

Оқар сувлар оқаверади,
Баҳор гуллар тақаверади.
Кимдир сизга ёқаверади,
Бу дунёда мен бўлмасам ҳам.

Учиб кетган турналар қайтар,
Қалдирғочлар қўшиғин айтар.
Кимдир сизга дардини айтар,
Бу дунёда мен бўлмасам ҳам.

Сузар само дарёсида ой,
Сочаверар юлдузлар чирой.
Бўлардингиз ётга эркатой,
Бу дунёда мен бўлмасам ҳам.

Қолаверар муҳаббат мангу,
Йўқолмайди шодлигу қайғу.
Бошқа қўлда йиғлайди чолғу,
Бу дунёда мен бўлмасам ҳам.

Деманг жоним бу ёмон ният,
Гарчи ҳаёт ўзи ҳақиқат.
Мен-ку Сизни севардим фақат,
Бу дунёда мен бўлмасам ҳам.

Каримжон ТУРСУНОВ,
Олтиариқ туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси.

Mitti masallar

«СЕРҲОСИЛ»

Картошказорда ўсаётган саломалайкум картошкаларга қараб деди:

— Мен кичик бўлсам ҳам ҳосилим сизларникидан кўп.

— Шунинг учун ҳам сени тез-тез «йиғиб» олишар эканда! — деди унга бир картошка.

ПЕЧКАНИНГ ҲАСРАТИ

Кунлар илиганда ташқарига чиқариб қўйилган печка ўзича минғирлади:

— Шу ҳар доим Баҳор келади-ю мени ишдан бўшатишади.

ҲАСАД

Боғ четида ўсаётган қийшиқ терак анорга деди:

— Бечора, сенга раҳмим келади, тириклайин ерга кўмишади-я?

Анор унга жавоб берди:

— Бўлганимда мен ҳам сен каби,
Қийшиқ, эгри кераксиз ёғоч.
Қаҳратонда қаттиқ совуқда,
Қолар эдим сендек яланғоч.

«ЭГИЗАКЛАР»

— Мен қанча катта ва кўп бўлсам одамларга шунча яхши бўлади, — деди Сон Сифатга мақтаниб.

— Мен бўлмасам сенинг катталигингни, кўплигингни ҳеч ким билмасди, — деди Сифат унга.

Комил МАМАТОВ,
Мингбулоқ туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси.

«БИРГА ЎТИРИБМИЗ»

(Ҳажвия)

Залда Салим Соқиевичнинг қилмиши юзасидан суд жараёни давом этаяпти. Терговчи:

— Ўртоқ Салим Соқиевич, сиз педагог бўлатуриб жиноятга қўл ургансиз. Яъни ўз талабангиздан имтиҳон олиб, «аъло» баҳо эвазига ундан пора олгансиз. Шу жараённи қандай бўлса, қўшиб-чатмасдан гапириб беринг.

Салим Соқиевич содда домла эмасми, тўғрисини айтсам, менга енгилроқ жазо беришлари мумкин, деган ўйда бўлган воқеани қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича оқизмай-томизмай сўзлаб берди:

— Мен кафедрада бир ўзим ўтирсам, талаба — Тўра Холиқов кириб келди:

—Ассалому алайкум, домлажон! Яхшимисиз? — деди.

— Яхши! — дедим.

— Тузукмисиз? — деди.

— Тузукман, ким бузуқ деди? — дедим.

— Ҳа, энди, ҳол-аҳвол сўрадим-да, домлажон! — деди.

— Яхши! — дедим.

— Бир илтимос билан олдингизга келувдим? — деди.

— Гапиринг! — дедим.

— Сиздан имтиҳон бор эди, шуни қўйиб берсангиз? — деди.

— Майли! — дедим.

Мен унга бир қанча саволлар бердим. У саволларимнинг баъзиларига жавоб берди, айримларига жавоб бера олмади. Кейин мен бош бармоғимнинг учини кўрсаткич бармоғимнинг учи билан ишқалаб:

— Энди, сиз беринг! — дедим. Ахир ҳадеб, мен савол беравериб уни саволларга кўмиб ташласам-да, у индамай тураверса, адолатдан эмас-да?.. У бўлса чўнтагидан йигирма беш долларни олиб, столим устига ташлади ва:

— Мана! — деди.

Умримда долларни кўрмаганим учун кўзларим ўйнаб кетди.

— Бу нима қилганингиз, олиб қўйинг, керак эмас, — дедим зўрға.

— Ҳа, энди, «арзимас совға», олиб қўяверинг, домла, ҳеч ким йўқ-ку! — деди. Ва долларни олиб менинг чўнтагимга солиб қўйди.

Тортишиб ўтиришга ҳожат қолмади. Шундан кейин мен ҳам унинг синов дафтарчасига «беш» қўйиб:

— Мана! — дедим...

— Бор гап шуми? — сўради терговчи.

— Шу! — деди домла.

— Гувоҳлар бормиди? — яна сўради терговчи. У ҳам бош бармоғини ишқаб.

— Нималар деяпсиз, гувоҳлар бўлса, шу ишни қилармидим? — деди савол назари билан Салим Соқиевич.

— Яхши, ўтиринг! — деди терговчи.

...Мана шу-шу икки йилдирки, Салим Соқиевич «ўтирибди».

Яқинда домлани кўргани бордим. «Қалайсиз, зерикмаяпсизми» десам, «йўқ» дейди. «Нега?» десам, «ҳалиги талабам билан бирга «ўтирибмиз» — дейди.

Сабабини кейин билдим. Эшитишимча, ўша талабанинг домлага берган доллари сохта экан.

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ,
Жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси.

ҚАЛБДАГИ КЕЧИНМАЛАР

Туннинг қўнғироқдай зулфларини ўйнай-ўйнай шам ёниб адо бўлди.

* * *

— Кўз ёшларимни қаерга тўкай?
— Соғинчлар қаърига.

* * *

Онажон, тундай қора сочларингизга қорни ким сепди?

* * *

Севгим менга хиёнат қилди, тунни гувоҳликка чорлайман.

* * *

Севги — ҳаёт, гўё шахмат ўйини. Кимдир енгади, кимдир...

* * *

Остонамда тиз чўкар Соғинч,
Секин тун лабимдан бўса олади.
Деразамга қўнолмай Ўкинч,
Тун бағрини чок-чок тилади.

Дилнавоз ҒОИБОВА,
Навоий туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси.

«Ҳавас»нинг ибрати

(Боши 1-бетда).

дан ҳам билса бўлади. Лўнда қилиб айтганда «Ҳавас» турнири йилдан-йилга маҳоратли ракетка усталарини ўз атрофига жамламоқда. Бу йилги мусобақада 60 нафар қатнашчи (45 нафар вилоят вакиллари — ҳоким муовинлари, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда 15 нафар республика вазирликларининг ходимлари) 4 кишидан иборат 15 гуруҳга бўлиниб, беллашувларда қатнашдилар. Ярим финалда эса Т. Жабборов билан Р. Иноятов ҳамда М. Усмонов билан Ш. Каримовлар ўзаро куч синашдилар. Бу сафар Т. Жабборов ва Ш. Каримовларнинг қўллари баланд келиб, улар ҳал қилувчи ўйинда ўзаро учрашдилар.

СОҲИБ ТАЙБРЕЙКДА АНИҚЛАНДИ

8 май куни финал ўйини бошланмасидан анча вақт илгари теннис кортидаги ўриндиқлар мухлислар билан лиқ тўлган эди. Биз, бундан қувондик, албатта. Чунки бу ҳол ҳозирги кунда мамлакатимизда барча спорт турлари орасида катта теннисниг мавқеи, нуфузи футбол сингари йилдан-йилга ошиб бораётганлигидан дарак эди.

Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов шу кунгача барча рақиблари устидан ғалаба қозониб, соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримовга «рақиб» сифатида кортга тушди. Қарийб бир соатча чўзилган финал баҳслари томошабинларнинг қизғин олқишлари остида ўтди. Гоҳ Шавкат Каримовни, гоҳ Тўлқин Жабборовни гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватлаб турган томошабинлар бир-биридан қизиқарли ва жозибали ўйинларнинг шоҳиди бўлишди. Дастлабки 12 та гейм ўйналгач, ҳисоб 6:6 дуранг бўлди. Учрашув тақдири «тайбрейк» баҳсида аниқланадиган бўлди. Кейинги соатларда Шавкат Каримов тўла устунликка эришди ва

ўзи учун энг аҳамиятли бўлган ғалабани қўлга киритди.

ТАҚДИРЛАШ

Мусобақа ниҳоясида Тошкент шаҳар ҳокими ташкилий қўмита раиси Козим Тулаганов барча қатнашчиларга мукофотларни топширди. Жумладан, бош соврин, яъни «Ҳавас»кубоги билан Ш. Каримов, иккинчи мукофот билан Т. Жабборов тақдирланди. Учинчи урин эса М. Усмоновга насиб этди. Бундан ташқари барча иштирокчиларга «Ҳавас» кубоги рамзи акс эттирилган махсус мукофотлар ҳам улашилди.

Финал мусобақа якунлангач, Узбекистон оммавий ахборот воситалари таъсис этган мукофотлар улашилди.

Улуғбек ЖУМАЕВ «Маърифат»нинг махсус мухбири.

«Ҳавас» кубоги Ш. Каримовга насиб этди. Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

«ЭНГ МАЪРИФАТЛИ ЎЙИНЧИ» КИМ?

1. «Иродали ўйинчи» —	Уз А	Қ. Ҳаққуловга
2. «Маҳоратли ўйинчи» —	«Спорт»	Р. Азимовга
3. «Оқсоқол ўйинчи» —	«Узбекистон овози»	М. Усмоновга
4. «Энг ёш ўйинчи» —	«Правда Востока»	Р. Шоабдурахмоновга
5. «Энг алпқомат ўйинчи» —	УзТВ	Р. Иноятовга
6. «Чаққон ўйинчи» —	«Тошкент оқшоми»	Р. Файзуллаевга
7. «Энг камтар ўйинчи» —	«Ишонч»	А. Мардиевга
8. «Жиддий ўйинчи» —	«Тошкент ҳақиқати»	Р. Ахмедовга
9. «Томошабин меҳрини қозонган ўйинчи» —	«Халқ сўзи»	Ш. Жалиловга
10. «Энг маърифатли ўйинчи» —	«Маърифат»	А. Миржалиловга
11. «Охиридан биринчи бўлган ўйинчи» —	«Узбекистон футболи»	Б. Умурзоқовга
12. «Кутилмаган ғалабаси учун» —	«Народное слово»	Ф. Турсуновга
13. «Энг дароз ўйинчи» —	«Осиё бозори»	А. Мирқосимовга
14. «Энг довюрак ўйинчи» —	«Ватанпарвар»	Т. Жабборовга
15. «Энг баркамол ўйинчи» —	«Туркистон»	Ҳ. Абдураимовга
16. «Оила ва жамият» —	барча вилоят ҳокимларига бир йиллик обуна	
17. «Энг фидоий ўйинчи» —	«Қишлоқ ҳаёти»	Ш. Мирзиёевга
18. «Санъаткорона ўйини учун» —	«Узбекистон адабиёти ва санъати»	Ш. Каримовга

Xullas...

АНГОРЧА АНИҚ ҲИСОБ-КИТОБ

Ангорлик «бизнесмен» Панжи ака Тошкентнинг «Отчопар» бозорида шеригини йўқотиб қўйди. Чирқиллаб изларди. Бироқ, ит эгасини танимайдиган тала-тўпда топиб бўлармиди. Охири, радиокарнайчига мурожаат қилишга тўғри келди. Радиокарнайчи эллик сўмни қуртдек санаб олгач, эълон қилди: «Ангорлик Норов Эшбек, сизни шеригингиз Пиримқулов Панжи маъмурият биносида кутмоқда»... Аммо Норовдан дарак бўлмади. Панжи ака яна икки карра радиокарнайчига илтимос қилишга мажбур бўлди. Лекин ҳар гал чўнтагидан эллик сўмни суғуриб чиқарганда, дом-дараксиз шеригини бўралатиб-бўралатиб «сийлаб» қўйишни унутмади. Ниҳоят, Норов Эшбек ҳовлиққанча маъмурият биносига кириб келди. У барча гапсўздан аввал чўнтагига қўл солди: «Ошно, мени топишинг учун харажат қанчага тушди?» Панжи ака бош қашлай, бош қашлай туриб чиқимни айтди. Шу заҳотиёқ ангорча аниқ ҳисоб-китоб амалга оширилди. Сўнгра ҳар иккала шерик ҳам кўнгиллари жойига тушиб, «ё, пирим», дея қопларни елкага олишди.

АНТИҚА КИТОБЛАР

Америколик тиниб-тинчимаган матбаачилар ғалати китоблар нашрини йўлга қўйишди. Ишонмасангиз, «Чана» нашриётида чоп этилган бир талай китобларни бир қўлга олиб кўринг-а? Улар қайси мавзуда битилган бўлса, ўша мавзу бўйича ҳид таратишади. Масалан, китоб денгиз ҳақида бўлса, ундан денгиз ҳиди, гуллар ҳақида бўлса гуллар ҳиди анқийди! (Хайриятки, «Чана» нашриёти чорвачилик бўйича қўлланмалар чиқаришга ихтисослашмаган).

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАДИ

Балиқ овлаш кайфиничи? Бу борада русларга тенг келадигани топилмаса керак, ҳойнаҳой.

Бешкентлик С. Чурбанов, Н. Солнцев деган икки ишчи якшанбаларнинг бирида мириқиб дам олишга келишдилар ва ... саҳар мардонлаб керакли асбоб-анжомларни шайлаб балиқ овлаш учун Норин дарёсига жўнадилар. Ов қизғин паллага кирганда уларнинг кайфи бузилди. Маҳаллий ички ишлар органи ходимлари уларни бракоьерлар сифатида қўлга олишди. Катта миқдорда жарима ундиришди. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари «қойил қилдик, тавбасига таянтирдик» дея ўзларича керилиб турган бир пайтда... икки дўст уларга илтижоли шивирлашди: «Яна қанча туласак, кечгача балиқ овлашга рухсат берасизлар?»

ana shunaqa gaplar

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси халқ таълими тизимида кўп йиллар хизмат қилган, Жиззах вилоят халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Набижон ЎРОЛОВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Sport maydonchasi

МИЛЛАНИНГ ШАШТИ

Камерун терма командасининг моҳир ҳужумчиси Роже Милла ҳозир 45 ёшда. Шундай бўлишига қарамасдан у ўтган жаҳон чемпионатида рақиби дарвозасига чиройли тўп киритиб, мухлисларини хурсанд қилган эди. Худо хоҳласа Роже 1998 йил Францияда ўтказиладиган 16-жаҳон биринчилиги ўйинларида қатнашмоқчи. Биз ҳам ўз навбатида 46 ёшида футбол майдонида 10 дақиқа маҳорат билан ўйнай оладиган ўйинчига омад тилаб қоламиз.

КУН ТАРТИБИДА ФУТБОЛ

Мамлакат миллий футбол чемпионатида 13 майга қадар танаффус эълон қилинганидан хабарингиз бўлса керак. Яқинда Тошкентда ФИФА ва ОФК мутахассислари иштирокида халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда асосан назокатли ўйин —футболнинг оммавийлигини таъминлаш, маҳоратни ошириш, жаҳон андозаларига мос ҳаракатлар мажмуини шакллантириш билан боғлиқ муҳим мавзулар хусусида сўз юритилди.

СЕРГЕЙ ЛЕБЕДЕВНИНГ ЮТУҒИ

Кўпчилик футбол ишқибозлари «Нефтчи» жамоасининг ўйинчиси Сергей Лебедевни чиройли ва ҳужумкор ўйинлари туфайли яхши танишади. Яқинда Сергейнинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. У қитъалараро терма жамоага қабул қилинди. Энди у Осиё шарафини муносиб ҳимоя қилади.

САФАРДАГИ МУҲИМ ҒАЛАБА

Миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларида илк бор қатнаша бошлади. Футболчиларимиз илк учрашувни 9 май куни Яман терма жамоасига қарши ўтказди. Учрашув тақдирини Нуъмон Ҳасанов томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди. Ушбу гуруҳдаги қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Индонезия — Камбоджа — 8:0, Индонезия — Яман — 0:1, Камбоджа — Индонезия — 1:1. Энди Узбекистон терма жамоаси футболчилари навбатдаги учрашувни Тошкентда Камбоджа терма жамоаси билан ўтказади.

ЗАРБАСИ ҲЎКИЗНИ ЙИҚИТГАН

Машҳур каратэ устаси Фунакосининг энг ишончли шогирдларидан бири Масутацу Ояма Хитой қураш усулларининг чуқур билимдони эди. У 1952 йили АҚШда 600 кг. ли баҳайбат ҳўкиз билан жанг уюштириб, уни кафтининг қирраси билан биргина зарба бериб ер тишлатганида одамларнинг оғизлари ҳайратдан ланг очилиб қолганди.

ЁШИНГИЗГА ЁШ ҚЎШИЛСИН!

Маориф иши эзгуликдир, эзгуликнинг умри боқийдир, дейишади. Бу ҳикматга қатъий амал қилган Ҳамидулла ака Йўлдошев умрининг 50 йилини маориф билан боғлади. Айниқса, Тошкент шаҳридаги Лаъл Баҳодир Шастри номидаги 24-ўрта мактабдаги иш фаолияти самарали бўлди. У мактаб илмий бўлим мудири лавозимида ишлаш ҳамда она тили ва адабиёт фанидан дарс бериш билан бирга республика матбуотида мақола, лавҳа, очерклар билан қатнашиб турди...

Бугун республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Ҳамидулла ота Йўлдошев 75 ёшни қарши олаяпти. Биз, устозни муборак ёшлари билан қизғин табриклаймиз. Илоё, умрингизга умр, ёшингизга ёш қўшилсин, деймиз. Эзгулик йўлидаги ишларингиздан асло чарчаманг!

Республика Таълим маркази жамоаси.

O'quvchi-talabalarning IV respublika spartakiadasi

ҚЎЛ ТЎПИ

Гулистон шаҳрида бир ҳафта мобайнида бўлиб ўтган ўқувчи-талабаларнинг қўл тўпи бўйича спартакиада ғолиблиги учун кескин курашларда ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳри командасининг қўли баланд келди. Андижон ва Сирдарё вилоятлари вакиллари иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди. Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари спортчилари олтиликдан ўрин олишди.

Қизлар баҳсида ҳам пойтахт жамоаси пешқадамликни қўлга киритди. Майдон эгалари — сирдарёликлар иккинчи, андижонликлар учинчи ўрин соҳиби бўлишди. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари вакиллари ҳам дуруст кўрсаткичларга эришишди.

СПОРТ АКРОБАТИКАСИ

Андижон шаҳрида уч кун давом этган беллашувларда ёш спортчилар ўзларининг маҳоратларини намойиш қилишди. Бу баҳсларда энг юқори натижага эришган Тошкент шаҳри акробатчилари спартакиада ғолиби бўлишди. Пойтахт вилоят вакиллари иккинчи, Андижон командаси учинчи ўринларни қўлга киритишди. Самарқанд, Наманган ва Фарғона вилоятлари жамоалари эса тўртинчи-олтинчи ўринларни қўлга киритишди.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ

Спортнинг бу тури бўйича беллашувлар ҳам Андижон шаҳрида беш кун давом этди. Малакали ҳакамлар спортчиларнинг чиқишларини холисона баҳолаб беришди. Бу мусобақаларда пойтахт командаси аъзолари ўзларининг ҳар томонлама устунликларини кўрсатишди. Андижонликлар турнир жадвалининг иккинчи поғонасидан жой олишди. Фарғона командаси эса совринли учинчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринларни Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятлари жамоалари қўлга киритишди.

ДЗЮДО

Урганч шаҳрида 6 кун мобайнида ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси командалари иштирок этишди.

Усмирлар ўртасида Бухоро вилояти командаси энг яхши кўрсаткичга эришиб, спартакиада чемпиони бўлди. Хоразмлик дзюдочилар иккинчи, Тошкент шаҳри спортчилари учинчи ўринни эгаллашди.

Қизлар ўртасида Тошкент шаҳри вакиллари ғолибликни қўлга киритишди. Хоразм ва Тошкент вилоятлари дзюдочилари иккинчи ўринни олишди.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Бухоро шаҳридаги «Ёшлик» спорт мажмуида ўтказилган юнон-рум курашида Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари барча вилоят ва Тошкент шаҳри командалари ғолиблик учун қизғин беллашишди. Муросасиз кураш натижасида Тошкент шаҳри вакиллари чемпион бўлишди. Бухоролик полвонлар иккинчи ўринни, самарқандликлар учинчи ўринни олишди.

F. МАННОПОВ.

Maktabgacha tarbiya

САВОДХОНЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Қибрай туманидаги «Меҳржон» номли 34-болалар боғчасида «Лотин ёзувига асосланган янги узбек алифбосини ўрганамиз» мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда боғчанинг мактабга тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари билан «Муъжизалар майдони» ноанъанавий ўйин машғулоти ўтказилди. Машғулотда бийрон тилли болалар эртаклар, мақоллар, тез айтиш ва топишмоқлари орқали халқ оғзаки ижоди ҳақидаги билимлари, лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги унли ва ундош товушларнинг қанчалик ўзлаштирганликларини амалда намойиш этдилар.

Анжуманда педагогика фанлари номзоди Муҳаббат Расулова, «Болалар боғчасида саводга ўргатиш» дастури автори, педагогика фанлари номзоди Мукаррам Аюпова, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти мактабгача тарбия кафедраси катта ўқитувчиси Дилбар Муратова, ВХТБ мактабгача тарбия бўлими назоратчиси Роза Тошпулатовалар сўзга чиқиб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, семинарда Тошкент вилояти туманлари мактабгача тарбия бўлимларининг назоратчи ва услубчилари иштирок этдилар.

Мухбиримиз.

ОХИРАТИНГИЗ ОБОД БЎЛСИН

Шу йил 11 майда олижаноб инсон, меҳрибон устоз, одил раҳбар, Жиззах вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари қўмитасининг раиси Наби Ўролович УРОЛОВ вафот этди.

Н.Ўролов 1957 йили институтни тугаллаб, меҳнат фаолиятини Жиззах туманидаги 17-сонли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади.

1962-1974 йилларда Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигида раҳбар лавозимларда ишлаб келди.

1974-1978 йилларда Жиззах вилоятида халқ таълими бўлимининг мудири, 1978-1985 йилларда Жиззах вилояти ижроия қўмитасида раис муовини лавозимида ишлади.

1985-1991 йилларда вилоят халқ таълими бошқармасида бош мутахассис, бошлиқ ўринбосари вазифаларида меҳнат қилиб келди.

1992 йилдан бери таълим ва фан ходимлари вилоят касаба уюшмалари қўмитасининг раиси лавозимида ишлаб келди.

Н.Ўролов қайси поғонада ишламасин, ўзининг бор билими, меҳнати, талабчанлиги ва инсоний фазилатларини соҳа ходимлари, талаба-ўқувчилар ва фахрийларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ва соғлиқларини мустаҳкамлашга қаратди. Ташаббускор раҳбар, тўғри сўз инсон, заҳматкаш устоз сифатида вилоят, республика касаба уюшмаси фаоллари, халқ таълими ходимлари ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган.

Н.Ўролов Узбекистонда хизмат кўрсаттан халқ таълими ходими, шунингдек давлат унвонларининг соҳиби, кўплаб ҳукумат ва жамоат ташкилотларининг «Фахрий ёрлиқ»лари билан тақдирланган. Бевақт ўлим уни орамиздан олиб кетди. Лекин унинг инсоний фазилатлари, республика ва вилоят миқёсида таълим ва фан ходимларининг муаммоларини ҳал этиш ва муҳофазалашга қаратилган фаолияти доимо ёдимизда қолади.

Оллоҳ ўзи раҳмат қилсин!

Оила ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этиб,

Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Жўрақул ЁРҚУЛОВ!

Сизни 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан қутлаймиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг! Оилангизга тинчлик, ишингизга ривож тилаймиз.

Тошкент меҳмонхоналар хўжалиги техникуми жамоаси.

ҚАДРЛИ ҚИЗЛАР!

Агар сиз тикувчилик касбини эгалламоқчи бўлсангиз, тикиш, кийимларни лойиҳалаштириш, модали кийимларни бичиш, моделлаштириш, машинада кашта тикиш сирларини эгалламоқчи бўлсангиз

Енгил саноат бўйича республика касб-ҳунар лицейига

ЎҚИШГА КИРИНГ

Келишилган шартномалар, танлов асосида ўқишга 9 ва 11-синфни тугатган қизлар қабул қилинади.

9-синфни битирган қизлар 2 йил ўқийдилар. Уларга ҳар ойда 917 сўмдан то 1150 сўмгача стипендия берилади.

11-синфни битирган қизлар эса 1 йил ўқийдилар ва ҳар ойда 750 сўмдан ортиқ стипендия берилади.

КАСБ-ҲУНАР лицейини битирганлар эгаллаган касби бўйича малака разрядлари белгиланган диплом оладилар. Улар ширкатлар, ижара, хўжалик ҳисобидаги қўшма ва давлат корхоналарида ишлаш имкониятларига эга бўладилар.

ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

1. Касб-ҳунар лицейи Бош раҳбари номига ариза.
2. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома.
3. Турар жойидан маълумотнома.
4. 6 дона 3х4 см. ҳажмда фотосурат.
5. Танлаган касби бўйича шуғулланиши мумкинлиги ҳақида ёзиб кўрсатилган тиббий маълумотнома (086-У).
6. Ота-онаси иш жойидан маълумотнома.

Ўқиш 1 сентябрдан БОШЛАНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, М. Мироқилов кўчаси, 68-уй. 38, 58, 67-автобуслар, 4, 7, 9, 24, 28-трамвайлар, 13, 16-троллейбусларнинг «БОБУР БОҒИ» номли бекати.

Телефонлар: 55-78-32, 55-78-30.

РЕСПУБЛИКА КАСБ-ҲУНАР ЛИЦЕЙИ МАЪМУРИЯТИ.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0300. Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6